

УНИВЕРСАЛ ТЎПЛАМ

Бир хил мулоҳаза юритилаётган вақтда бирданига ҳамма комплекс сонлар тўплами билан океандаги ҳамма китлар тўплами ҳақида гап бориши ҳоллари жуда кам учрайди (албатта, комплекс ўзгарувчили функциялар назариясининг методлари океандаги китлар ҳаракатини ўрганишга татбиқ этилиши мумкиндир). Одатда бирор мулоҳазада фойдаланилаётган ҳамма тўпламлар аниқ тайинланган I тўпламнинг қисм тўплами бўлади. Бундай ҳолда биз I тўпламни *универсал тўплам* деймиз. Масалан, арифметикада манфий бўлмаган рационал сонлар тўплами, алгебрада комплекс сонлар тўплами ва алгебраик функциялар тўплами, математик анализда эса ҳақиқий аргументли ҳақиқий функциялар тўплами, геометрияда — фазодаги ҳамма нуқталар тўплами универсал тўпламлар ҳисобланади. Ҳар қандай геометрик шакл, масалан фазодаги геометрик нуқталар тўпламининг қисм тўпламидир.